Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 13 август 1968 йил, сешанба ◆ № 188 (14.050). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА — КОММУНИЗМ САРИ

ПРАВДА

Буюк ва порлоқ тарихий саналарнинг бири яқинлашиб келмоқда. Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 1970 йилнинг апрелида юз йил тўлади. Коммунистик партия ва Совет Иттифоқи халқлари, жаҳондаги барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари бу санани катта интернационал байрам қилиб нишонлашга ҳозирланмоқдалар.

Кеча КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунгинг юз йиллигига тайёргарлик тўғрисида» қарори эълон қилинди. Бу қарорда Ленининг улуғворлиги ва Ленин таълимотининг битмас-туганмас қаётий кучи яққол очиб берилди, ўтказиладиган юбилей муносабати билан идеология ва ташкилий ишларнинг кенг программаси белгилаб берилди. Бу сиёсий ҳужжат халқ оммасининг коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари йўлида курашга сафарбар қилиш ҳамда оммани ғоявий эътиқод, ленинизмга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш учун катта аҳамиятга эга.

Ленининг номи ҳар бир совет кишисига, халқлар озодлиги ва бахти учун курашаётган барча кишиларга бениҳоя азиздир. Асримизнинг энг катта революцион ишлари — инсоният ҳаётида янги давр очиб берган Октябрь революциясининг ғалабаси жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши, миллий озодлик ҳаракатининг кўтарилиши, ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун олиб борган барча зафарли жанглари мана шу буюк ном билан, ленинизм билан чамбарчас боғланган.

Маркс ва Энгельс революцион таълимотининг энг буюк давомчиси бўлган Ленин доҳий назариячи, пролетар революциясининг ва жамиятни социалистик негизда ўзгартиришнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва раҳбари бўлиб, жаҳон пролетариатининг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг йўлбошчиси бўлиб тарихга кирди.

В. И. Ленининг бутун ҳаёти ва улкан фаолиятини ишчилар синфининг, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг курашидан ажратиб бўлмайди. Ленин марксчи-ленинчи партиянинг, ишчилар синфининг ҳокимиятни қўлга олишдаги, социализм ва коммунизм қуришдаги раҳбарлик ролини очиб ва асослаб берди, партиянинг тарихий вазифаси «бутун халқни социализм сари олиб бориш, янги тузумни йўллаб ва ташкил қилиб туриш, барча меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчиларнинг буржуазия иштирокисиз ва буржуазияга қарши ўз ижтимоий ҳаётини ташкил этишдаги устози, раҳбари, йўлбошчиси бўлиш» эканлигини белгилаб берди.

Улуғ Ленин тузган ва чиниктирган бизнинг партиямиз Ленин таълимотига, унинг васиятларига оғишмай амал қилаётганлиги учун енгиб келди ва енгмоқда. Бу жуда тўғри компас билан қуролланган партиямиз мамлакатимизни қудратли социалистик давлатга айлантирган революцион ўзгаришларнинг муваффақиятини таъминлай олди. Социализмнинг тўла, узил-кесил ғалабаси ва СССРда коммунизм қуришга ўтилганлиги, социалистик даврнинг бутун шонли эллик йиллиги — ленинизм идеяларининг реал ифодасидир, ленинчи партия бош йўлининг тантанасидир.

Партиямиз ва халқимиз ўз қаҳрамонлик йўлининг ҳамма босқичларида революцион фикрнинг ва революцион ҳаракатнинг абадий битмас-туганмас манбаи бўлган ленинизмдан ҳар доим куч олмоқда ва илҳомланмоқда. Ленин ҳамиша бизнинг онгимизда ва қалбимизда яшаб келди ва яшайверади. Биринчи беш йилликларнинг қайновида ва Улуғ Ватан урушининг жангларида у биз билан бирга бўлди; КПСС XXIII съезди белгилаб берган коммунизм қурилишининг янги тарихий марраларига чиқиб олган ҳозирги давримизда ҳам у биз билан бирга. Партия ўзининг бутун фаолиятида Маркс — Энгельс — Ленин назариясига таяниб, марксизм-ленинизмнинг мазмунини, янги жамият қуриш тўғрисидаги фанни ҳормай-толмай ривожлантирмоқда, бойитмоқда.

Ленинизм-марксизмнинг янги, юқори босқичи бўлиб турибди, ҳозирги даврнинг марксизмидир. У партиямизнинг, жаҳон революцион ҳаракатининг забардаст қуроли. Коммунистик ва ишчи партиялар марксизм-ленинизмни ягона интернационал таълимот деб, ўзлари учун муштарак ғоявий байроқ деб биладилар. Социалистик мамлакатлардаги қардош партиялар Братислава кенгашининг қатнашчилари шуни айтиб ўтдиларки, марксизм-ленинизмга чексиз содиқлик қилиб, халқ оммасини социализм, пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, буржуа идеологиясига қарши, барча антисоциалистик кучларга қарши кураш социализм позицияларини мустаҳкамлашда ва империализмнинг кирдикорларига зарба беришда қўлга киритиладиган ютуқларнинг гаровидир. Партиямиз революцион назариянинг софлиги йўлидаги кураш учун катта аҳамиятга эга бўлган бу хулосани юксак даражада қадрлайди.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунгинг юз йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида бундай дейилади: «Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, марксизм-ленинизм таълимоти принципларидан, бу таълимотнинг интернационал моҳиятидан ҳар қандай йўсинда чекиниш, илмий назарияни буржуа либерал гаплар ёки сохта революцион сафсаталар билан алмаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишлар муқаррар суратда халқаро ишчилар ҳаракатининг тарихий мақсадларига, социализмнинг туб манфаатларига бутунлай зиддир».

Марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғини баланд кўтаришни, синфий онгни ўтмаслаштиришга, социалистик ҳамдўстлик халқларининг ғоявий-сиёсий бирлигини заифлаштиришга, меҳнаткашлар орасига раҳна солишга уринаётган миллатчи, ревизионист ва сўл унсурларга умид боғлаётган империалистик буржуазиянинг идеология диверсияларига қарши ҳужжатлар ва кураш олиб боришни коммунистлар ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблайдилар. Мана шу шароитда В. И. Ленининг бизнинг вазифамиз — капиталистларнинг ҳамма қаршилигини енгишдан иборат, фақат ҳар бир ва сиёсий қаршиликни эмас, балки энг чуқур ва энг кучли бўлган мафкуравий қаршиликни ҳам енгишдан иборат, деган сўзлари алоҳида куч билан янграмоқда.

Партиямиз ва халқимиз ленинизм идеяларига чексиз содиқ бўлиб, Ленин йўлидан дадил олға бормоқдалар ва бундан буён ҳам шу йўлдан қатъият билан оғишмай олға борадилар. Ленинизмга содиқлик коммунизм қурувчиларнинг ажойиб ишларида, партия билан халқнинг бузилмас бирлигида намоён бўлмоқда. Шаҳарлар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари белгилаб берган, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, халқ фаровонлигини оширишга, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора ва тадбирларни зўр завқ билан амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида уқтириб ўтилганидек, В. И. Ленин туғилган кунгинг юз йиллигини нишонлашнинг энг яхши усули шуки, хўжалик ва маданий қурилишнинг, халқ олдида турган жуда катта планларни, КПСС XXIII съезди белгилаб берган иқтисодий, социал-сиёсий ва идеологик вазифаларни амалга оширишга диққат-эътиборни ва куч ғайратни қаратиш керак. Меҳнаткашлар ҳам буни яхши биладилар. Шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун, беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бўлаётган умумхалқ социалистик мусобақаси, партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига совет халқининг метиндек жипслашганлиги меҳнаткашларнинг Ильичга бўлган чексиз муҳаббатини ва Ленин васиятларини амалга ошириш учун курашдаги активлигини ифодалаб бермоқда.

В. И. Ленин туғилган кунгинг юз йиллигига тайёргарлик умумпартия, умумхалқ ишидир. КПСС Марказий Комитети барча партия ташкилотлари, армия, флотнинг сиёсий органлари зиммасига шу юбилей билан боғланган сиёсий ва ташкилий ишларни ҳар бир республика, ўлка, область, округ, шаҳар, районга доир, ҳар бир корхона, совхоз ва колхозга, ҳарбий қисмларга ва кемаларга доир конкрет планлар асосида кенг авж олдиришни юклади. Идеология фронтимизнинг адабиёт ва санъат, матбуот, радио ва телевидениемизнинг ходимлари олдига катта вазифалар қўйди. Совет органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кўпгина ишлар қилишлари керак.

Сиёсий ишнинг асосий мазмуни — партиянинг, бутун совет халқининг Ленин васиятларини амалга ошириш учун курашини ҳар томонлама кўрсатиб беришдан, революцион ўзгаришлар учун марксизм-ленинизмнинг аҳамиятини, буюк мутафаккир революционер бўлган Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг йўлбошчиси бўлган В. И. Ленининг тарихий ролини чуқур очиб беришдан; марксизм-ленинизм таълимотининг мамлакатимиздаги социализм ва коммунизм қурилиши, жаҳон социалистик системасининг, жаҳон революцион ҳаракатининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун бўлган аҳамиятини тушунтириб беришдан иборат.

Энг муҳим вазифа шуки, марксизм-ленинизм назариясини янада ривожлантириш йўлида ижодий иш олиб бориш, Маркс—Энгельс—Ленин идеяларини чуқур ўрганиш ва пропаганда қилиш керак. Партия ташкилотлари барча коммунистларнинг марксча-ленинча билимини ошириш тўғрисида, партия аъзолари ва партиясизлар кенг оммасининг революцион назарияни ўрганишлари тўғрисида ўз ғамхўрликларини кучайтиришлари лозим.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунгинг 100 йиллиги партиямиз ва мамлакатимиз халқлари ҳаётида буюк воқеадир. Бу юбилейга тайёргарлик омма орасида сиёсий активлик ва меҳнат ғайратининг янги тўлқинини кучайтирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг чақириғига жавобан ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, совет жангчилари бу улуғ санани коммунистик қурилишнинг КПСС Программаси, партия XXIII съезди қарорлари ва Октябрь 50 йиллигининг байрам қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳужжатларда белгилаб берилган планларини амалга ошириш йўлидаги курашда янги ғалабалар билан нишонламоқ учун бутун кучни сарфлайдилар.

Совет кишиларини жонажон партиянинг оташин сўзлари руҳлантиради: Бундан буён ҳам ленинчасига ишлаб ва яшаб, Владимир Ильичга муқаддас ҳайкал қурамиз. Унинг абадий барқарор ғояларини ўзида муносиб равишда ифодалайдиган бу улуғ ҳайкал коммунизм биноси бўлади.

(11 августдаги бош мақола).

Избоскан районидаги Бируний номли колхоз чорвадорлари бу йил 3800 тонна маккажўхори поясидан силос, 940 тонна беда ва юзларча тонна хашак жамғариш учун курашмоқдалар. Чорвадорлар ҳозиргача юзлаб тонна ем-хашак жамғариб қўйдилар. Суратда: пичан ғарамлаш пайти.

Г. Кечкин фотоси.

ЗАФАР сатрлари

Ярим миллион тонна силос

Ўзбекистон хўжаликлари дастлабки ярим миллион тонна силосни траншеяларга бостириб қўйдилар. Сўтаси думбул бўлган шакажўхори поя, шунингдек кўк қамиш, дағал пояли ўсимликлар чопилиб, чорва еми учун консерваланди. Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозлари қишга энг кўп миқдорда қимматли озуқа тайёрладилар. Улар мавсум топшириғининг учдан бирини бажариб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

Қурилиш штаби

Андижонда яна бир микрорайон қурила бошланди. Охунбобоев массивида ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бири ўттиз икки квартирали дастлабки икки бино қуриб битказилди. Бу йил ана шу массивда ўнта кўп квартирали бино қуриш кўзда тутилади.

Уй-жойларни қуриш суръатларини жадаллаштириш ва сифатини ошириш учун Андижонда шаҳар қурилиш штаби ташкил қилинди. Бу штабга область марказидаги етакчи қурилиш ташкилотларининг вакиллари, партия ва совет ходимлари киритилди.

(ЎзТАГ).

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

НАМАНГАН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область партия комитетининг учинчи пленуми «Область партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII пленуми қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий иш фаолиятларини янада яхшилаш борасидаги вазифалари» тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Мазкур масала юзасидан обкомнинг биринчи секретари Ўртоқ А. Ҳўжаевнинг доклади тингланди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар КПСС XXIII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми қарорларини оғишмай ҳаётга татбиқ этаётган область партия ташкилотларининг қўлга киритган муваффақиятларини қайд этиб ўтдилар. Мавжуд камчиликларни очиб ташладилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИ ТЕКШИРАМИЗ

НАМАНГАНЛИКЛАР САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Наманган область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ Хай Гюн Тен бошлиқ Наманган пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси 12 августда Самарқанд областига келди. Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари тўрт группага бўлиниб область районларига жўнаб кетишди. Меҳмонлар ҳосилга-ҳосил қўшиш тадбирлари қандай амалга оширилаётганини билан танишадилар.

Шунингдек, Самарқанд область пахтакорларининг область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари М. Истомин раҳбарлигидаги ўзаро текшириш бригадаси шу куни Наманган областига жўнаб кетди.

ЗАРБДОР КУНЛАР

Бухоро районидаги Карл Маркс номли колхознинг Рамазон Боймуродов бошлиқ бригадаси аъзолари бир группа олимлар ва тажрибакор пахтакорларнинг маслаҳатлари ва Сирдарё областидаги «Самарқанд» совхози коллективининг мурожаатидан руҳланиб ўз зиммаларига қўшимча оширилган мажбурият қабул қилдилар. Улар ҳар гектар ердан аввалги 40 центнер ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш режаларини белгилаб олдилар. Хўжаликда Рамазон Боймуродовга ўхшаш ўндан ортиқ пахтачилик бригадаси зиммасидаги мажбуриятига ўзгартишлар киритди.

Шундай қилиб, Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари аввалги 4000 тонна ўрнига 4500 тонна пахта етказиб беришга енг шимардилар. Бунинг учун колхозчилар август ойида ғўза қатор ораларини яна 1,5 марта ишлашади, бир марта озиқлантириб, сувга қондиришади. Ҳар туп ғўзанинг таги юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади.

Мавжуд 2000 гектар майдоннинг учдан икки қисмидаги ҳосил машиналарда териб олинади. Ҳозир далаларда ҳамма чопиқ тракторлари тўхтовсиз ишлатилмоқда. Б. Ризоқулов, Х. Раҳмонов ўртоқлар раҳбар бўлган бригадаларда ҳосил тўплаш қизғин бораётир.

Шу райондаги «Маданият», «Янги турмуш», Фрунзе номли, «Ленинизм», «Ленин йўли» колхозларида ҳам ғўза парваришини бир группа тажрибакор деҳқонлар маслаҳати ҳамда «Самарқанд» совхози пахтакорларининг мурожаати асосида намунали ташкил этилган. Мазкур хўжаликларда ҳозиргача 600 гектардан ортиқроқ майдондаги ривожланишдан орқада қолган экин бўлиқ ғўзалар қаторига етказиб олинди. Бухоро райони хўжаликларида бундан бир ой муқаддам қанча ишчи кучи, чопиқ трактори, ўғитлагич аппаратлари, сувчи ва мироблар ишлаган бўлса, ҳозирги кунда ҳам шунча миқдорда техника, ишчи кучи дала ишларида қатнашаётир.

Бухороликлар ғўза парваришини илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиш билан бирга даладаги ҳосил чўтини чамалаб, зиммаларига қўшимча мажбурият қабул қилишяпти.

Бухоро райони колхозларида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами, янги марра сари астойдил интилишдан дарак бериб турибди. «Москва», «Правда», «Ленин йўли», «Маданият» колхозларида мавжуд терим машиналарининг ремонти авж олдириб юборилган.

«Узсельхозтехника»нинг Галаосиё устахонасида иш қиёмига етган. Бу ерда Энгельс номли, «Ленинград», «Пахтакор» колхозларининг «зангори кема»лари пешма-пеш ремонт қилинаётир. Устахона ишчилари 237 та терим агрегатлари ремонтини муддатидан анча илгари сифатли қилиб тугалладилар.

Яқинда колхоз раислари, пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар бир жойга тўпланиб, август ойида амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар ва пахта йиғим-теримига тайёргарликни кучайтириш чораларини маслаҳатлашиб олдилар. Кенгашда бир группа илғорлар маслаҳати ҳамда «Самарқанд» совхози коллективи ишлаб чиққан тадбирлар тўла маъқулланди. Далаз донишмандлари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида, даладаги ҳосил чўтини чамалаб кўриб республика пахтакорлари қурултойида олинган дастлабки мажбуриятларини область ўрнига 49 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд-паймон қилдилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯКДИЛМИЗ

Биз ҳамма йўллар коммунизмга олиб борадиган асрда яшамоқдамиз. Ленин бу оддий ҳақиқатни инкор этишга уринди, тарих ғилдиракларини орқага буриб юбормоқчи бўлган империализм ва унинг маддоҳлари социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамдўстлигига раҳна солмоқчи бўладилар. Ҳар галгидек бу сафар ҳам уларнинг ёвуз ниятлари амалга ошмади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва бошқа қардош партияларнинг социализм позицияларини мустаҳкамлаш борасида олиб борган ишлари яхши самара берди: Братислава учрашуви қатнашчилари социализм идеалларига содиқликларини, тинчлик ишига қатъий бел боғлаганликларини яна бир бор якдиллик билан намойиш қилдилар.

Жонажон партиямизнинг социалистик мамлакатлар ҳамкорлигини бутун чоралар билан кучайтириш борасидаги жўшқин фаолиятини тўла ва батамом маъқуллаймиз.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ,
Ҳўжайли районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

БУЮК БИРДАМЛИК

Социалистик мамлакатлар иттифоқи бузилмайди, дўстлиги абадийдир. Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Братиславадаги кенгаши буни яна бир бор оламга кўрсатди.

Социалистик мамлакатларнинг ғалабаларига тажовуз қилмоқчи бўлган империалистлар ҳамиша қақшатқич зарбага учрайверади. Пролетар интернационализмига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қардош халқларга ҳаммавақт самимий ёрдам бериб келди ва бундан буён ҳам мадад кўрсатаверади. Чунки бизнинг мақсадимиз бир, йўлимиз бир — коммунизмдир.

С. СУЛТОНОВА,
Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори.

ДЎСТЛАР БУЮРТМАСИ

Тошкентдаги «Ташавтомаш» заводи Озарбайжондаги хўжаликларнинг буюртмасига биноан мусобақадош дўстларга пахтани қопқанорсиз ташийдиган бир туркум прицеп юборди. Улар бу йилги терим мавсуми бошлангунга қадар белгиланганидан ташқари элликтадан кўп тележка оладилар.

Ўзбек пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг Озарбайжондан қайтиб келганига ҳали икки ҳафта ҳам бўлгани йўқ. Хайрлашиш вақтида озарбайжонлик деҳқонлар пахтани машинада теришни ташкил қилишда ўзларига ёрдам беришни, қўшимча суратда машиналар, шу машиналарга запас қисмлар ва мосламалар юборишни ўз ҳамкасбларидан илтимос қилган эдилар.

Дўстларнинг буюртмаси заводда дарҳол тайёрлана бошланди.

(ЎзТАГ).

Ғалла фронтида

ОМИЛКОРЛАР

Йирик ғаллакор хўжаликлардан ҳисобланган Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз ғаллакорлари долзарб кунларнинг ҳар соатидан унумли фойдаланяптилар. Совхозда мавжуд комбайнлардан, юк машиналаридан ва бошқа механизмлардан фойдаланишнинг прогрессив усуллари қўлланиляпти. Бу ерда ҳамма бир мақсад — ғаллазорларда етиштирилган мўл ҳосилнинг исроф бўлишига йўл қўймасдан қисқа вақт ичида ўриб-йиғиб олиш истаги билан меҳнат қиляпти.

Совхознинг 25 минг гектарлик ғаллазорининг 20 минг гектаридаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Бу хўжалик давлатга дон сотиш йиллиқ планини областда биринчилар қатори бажарган, давлат омборига 12 минг тонна сара дон тўккан эди. Яқинда давлатга дон сотиш юзасидан олинган қўшимча мажбурият ҳам ошириб адо этилди. Ҳаммаси бўлиб 18 минг 150 тонна арпа ва буғдой етиштирилди. Бу, йирик ғаллакор район ҳисобланган Чироқчи районининг салкам 50 процентини ташкил этади. Охунбобоевликлар ўрим-йиғим суръатини бир зум ҳам бўшаштирмаяптилар. Хўжаликда 70 комбайн, 110 юк машинаси бетўхтов ишлаб турибди. Ҳар бир комбайн бирлан кунига нормадаги 9 гектар ўрнига 15-17 гектар майдоннинг ғалласи ўриб-йиғиб олиняпти. Эргаш Шаймонов, Холмат Эрдонов, Эргаш Қулбўлов, Худоёр Назаров, Раҳмат Жонуқов, ака-ука Ўнгбой ва Турғунбой Ирзаевлар каби илғор механизаторлар ғалла ўрим-йиғимининг чинакам қаҳрамонлари. Уларнинг ҳар бири кунлик нормаларини бир ярим-иккиланса ошириб бажариб, мавсум бошидан буён 500-600 гектар майдондаги ғаллани ўриб ва янчиб бердилар.

Район Советининг депутати Ўнгбой Ирзаев кўп йиллардан буён комбайнчилик қилади. Яқинда унинг ташаббуси билан ўзи юрар комбайнларнинг аккумулятори ўрнига «ПС-10» маркали мўъжазгина моторча ўрнатилди. Аккумулятор тезда ишдан чиқиб қолар, янтиси эса ҳа деганда топилавермас эди. Ҳозир аккумуляторнинг кичик моторча билан алмаштирилганлиги комбайнчиларни ортиқча ташвишдан, совхозни эса ортиқча харажатдан қутқарди. Хўжаликда Ўнгбой Ирзаев таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилгани туфайли шу йилнинг ўзида минг сўмга яқин маблағ тежаб қолинади. Ўнгбой Ирзаев ва унинг шогирдлари шу кунларда ғалла ўрим-йиғимини тезроқ тугаллаш, келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш иштиёқида меҳнат қиляптилар, комбайнлар бункеридан ҳар куни 400-450 тоннадан дон тўкяптилар.

Совхозда етарли миқдорда уруғлик фонди жамғариб қўйилди. Хўжалик директори Ўртоқ А. Маҳмадўсовнинг айтишича, хўжаликнинг омилкор ғаллакорлари давлатга яна икки минг тоннадан знёдроқ сара буғдой сотиш, қабул пунктларига топширилаётган донинг умумий миқдорини 2 минг тоннадан ошириш учун курашяптилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Партия турмуши

КАДРЛАРГА ТАЯНИБ

Ғиждувон пахта тозалаш заводи партия ташкилоти кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, раҳбарлик лавозимларига кўтариш, уларга нисбатан талабчанликни оширишда ибратли ишлар қилмоқда. Кадрларнинг ўқиши, билим ва малакасини оширишга ғамхўрлик қилиш, улар бошлаган ташаббусни қўллаб-қувватлаш, ишларни коммунистик онглилик ва меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Кадрлар билан ишлаш масаласи завод партия ташкилоти йиғилишларида тез-тез муҳокама қилиб турилади. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида бу масала уч марта партия ташкилоти умумий йиғилишида муҳокамэ қилинди ва амалий тадбирлар белгиланди.

Партия ташкилоти йиғилишларининг қарорларини турмушга татбиқ этишда барча коммунистлар актив иштирок этмоқда. Бу, самарали натижа бермоқда. 54 слесарь ва 16 лаборант завод қошида ташкил этилган қайта тайёрлаш курслари машғулотларни муваффақиятли тамомлади. Бу курсларда заводнинг инженер-техник ходимлари, малакали ва тажрибали мастерлар лекция ўқиди.

Бир группа ишчилар ажойиб ташаббус билан чиқишди. Улар ўзлари ишлаб турган соҳадан ташқари ишдан ажралмаган ҳолда иккинчи бир мутахассисликни ўрганишга ҳоҳиш билдиришди. Таклифни партия ташкилоти маъқуллади. Заводда махсус курс очилди. Унда 21 ишчи ўқиб, иккинчи касбни ҳам ўрганиб олишди. Масалан, Равшан Толибов ва Салим Самиев илгари юк ташувчи эди. Ҳозир уларнинг бири «РБХ-20» машинасининг оператори, иккинчиси темирчи бўлиб ишламоқда. Шу курсда ўқиган оддий хизматчи Люба Соколова ҳозир моҳир ишлаб чиқариш цехининг илғор мастери. Донияр Файзуллаев илгари пахта жойловчи бўлиб ишларди, энди у яхши слесарь.

Ёш ишчилар билан ишлаш, уларни тарбиялаш ҳам партия ташкилотининг доим диққат марказида. Яқинда шогирдликка кабул қилинган 24 ёш ишчи малакали, ветеран ишчиларга бириктириб қўйилган. Уларнинг тез орада мустақил ишлайдиган моҳир ишчилар бўлиб етишувига шубҳа йўқ.

Булардан ташқари завод партия ташкилоти инженер-техник кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ишини ҳам бош мэсала қилиб қўйган. Йил бошидан ҳозиргача инженер-техник ходимлардан 17 киши малака ошириш курсида бўлди. 6 киши олий ўқув юртида, 28 киши турли техникумларда сиртдан ўқимоқда. 15 киши тўқимачилик ва политехника институтининг кундузги бўлимида завод ҳисобидан таълим олмоқда, бу йил завод ҳисобидан яна 16 ёш олий ўқув юртларига ўқишга юборилди.

Кадрлар билан ишлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, тарбиялаш ва уларни дадиллик билан раҳбарлик вазифаларига тавсия этиш соҳасида завод партия ташкилотининг олиб бораётган ишлари ажойиб самара бермоқда. Масалан, Туроб Муқимович олайлик. Бу йигит заводга оддий шогирд-ишчи бўлиб келиб, бир неча йил цехда ишлади. Сиртдан ўқиётти. Ҳозир у завод тайёрлов бўлимининг бошлиғи, партия ташкилотининг секретари. Жамил Ҳакимов оддий ишчидан завод ишчилар комитетининг раиси, Ҳаннфа Нажмиддинова лаборанткаликдан завод директорининг ўринбосарлигига кўтарилди. У тўқимачилик институтининг IV курсида сиртдан таҳсил олмоқда.

Заводнинг барча цехларида ишлаб чиқариш процессини бир меъёрда ривожланишини ташкил этишда ҳам кадрларни жой-жойига қўйиш, улар ташаббусини қўллаб-қувватлаш катта роль ўйнамоқда. 3-бригадада кўпдан бери иш юришмасди. Буни кузатиб юрган ремонтчилар бригадасининг мословчиси Эргаш Ярашев шу колоқ бригадага бошлиқ бўлиб бориш истагини билдирди. Завод маъмурияти ва партия ташкилоти буни маъқул топди. Мана, бир йилдирки, Ярашев бошлиқ 3-бригада коллективи илғорлар қаторидан жой олди.

Кадрларнинг меҳнат фаоллиги, онла ва жамоат жойларида коммунистик яхлоқ принципларига риоя қилишга нисбатан талабчанликни оширишдек муҳим соҳа ҳам партия ташкилотининг эътиборидан четда қолмаяпти. Бу эса, ишчи-кадрларни ҳар бир иш учун масъулият ҳис этиш ва коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш имкониятини бермоқда. Биринчи заводнинг Абдуносиров бошлиқ 1-бригадасида меҳнат интизоми бўшлиги туфайли ишлаб чиқариш планлари муттасил бажарилмас эди. Завод тайёрлов пункти механиги Иван Михайлович Ермаковнинг ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги оқибатида ремонт ишлари ўлдажўлда қолиб, чўзилиб кетган эди. Бу ташвишли аҳвол партия ташкилоти йиғилишида барча коммунистлар иштирокида муҳокама қилинди, ишни яхшилашга қаратилган маслаҳатлар берилди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозир 1-бригадада ҳам, тайёрлов пунктида ҳам ишда жиддий бурилиш бўлгани сезилиб турибди.

Коммунист Жўра Қозоқов оиласида жанжал чиқараётгани ҳақида сигнал тушди. Ж. Қозоқовнинг хулқи коммунистлар ўртасида муҳокама қилинди. Оилада тотувлик ўрнатилди.

Партия ташкилоти ишчиларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш мақсадида завод клубида оилавий, тематик ва савол-жавоб кечалари каби оммавий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйган.

Кадрлар билан ишлаш ва уларни тарбиялаш соҳасида амалга оширилаётган барча тадбирлар заводда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда. Завод коллективи шу йилнинг 6 ойида қўлга киритган кўрсаткичлар бунинг далилидир. Бу ерда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик плани 107 процент бажарилди. Планга нисбатан 1 миллион 845 минг сўмдан кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона коллективи В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани авж олдириб юборган.

А. ШУКУРОВ.

„Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли механизация бошқармасининг экскаваторчиси Мирзатилла Саидов Тахиатош гидроузели қурилишида фидокорона меҳнат қилмоқда. У Қуйимозор насос станцияси, Тахиатош ГРЭСи ва Вахш водийсидаги қурилишларда ҳам тер тўкиб ишлаган. Ҳозир ўртоқ Саидов смена топшириқларини ортиғи билан бажармоқда. (Юқоридаги сурат). Бухорода 11 қаватли янги меҳмонхона қурилмоқда. Бу бино нўҳна шаҳардаги энг баланд иморат бўлади. Меҳмонхона 1969 йилнинг биринчи кварталида ишга тушади. Суратда: қурилиш манзараси.

О. Тўхтахўжаев фотолари.



ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

ОЛТИНКЎЛ ЗИЙНАТИ

Олтинкўл! Чиндан ҳам «оқ олтинга», ажойиб, қўли гул одамларга тўла макон экан. Олтинкўлликлар фақат пахтачиликда эмас, балки янги коммунистик анъаналарни қанот ёздиришда, қишлоқлар жамолини очишда ҳам шуҳрат таратяптилар. Район қишлоқларини кезган киши қўлини кўксига қўйиб чин юракдан бу ердаги меҳнат аҳлига, унинг дидига, ғайратига таҳсин ўқийди.

Районда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа жамоат бинолари қад кўтаряпти. Ўтган юбилей йилида қурилиш ва ободонлаштириш соҳасида катта ишлар қилинди. Ҳўжаликлар ва район ижроия комитети типовой уй-жойлар қуриш учун ажратилган ҳамма маблағлардан самарали фойдаландилар. Ҳамма кўчалар асфальтлаштирилиб, икки томонига хилма-хил дарахтлар ўтқазилди. Кўплаб оилалар янги уйларга кўчиб чиқди. 640 ўринли янги типда мактаб, 2 та тугруқхона қуриб фойдаланишга топширилди.

Айниқса «1 Май», «Коммуна» колхозларида ободончилик ишлари намунали йўлга қўйилган. Майрамхон Йўлдошева бошчилик қилаётган Тельман номли колхоз ўзининг миллий даромад фондидан 700 ўринли ўн йиллик мактаб қуриб берди. Бундай мактаблар қуриб бериш ташаббуси «Ленинград», Охунбобоев, номли, Навоий номли колхозларда ҳам амалга ошган. Бундан ташқари, мазкур колхозларда маданий-маиший ва ободонлаштириш ишлари диққатга сазовордир. Район ижроия комитети, қишлоқ Совети ўз мажлис ва сессияларида қишлоқ маданияти масалаларини тез-тез муҳокама қиладиган ва бу соҳадаги қарорлар ижроси учун курашадиган бўлиб қолдилар. Улар бунда кенг жамоатчилик, қишлоқ депутатларининг кучига таянмоқдалар.

— Олтинкўлда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бу йил ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қурилиш сифатини яхшилаш, қишлоқларни обод қилишга қаратилган тадбирлар ижобий самаралар беряпти, — дейди район коммучал хўжалиқ бўлими мудири Умаржон Йўлдошев.

Шуниси қувончлики, район партия комитети ва ижроия комитети қишлоқ маданиятини юксалтиришга бел боғлаган колхоз ва совхозларга кун сайин ёрдам беряпти.

Район ишлаб чиқариш бошқармаси учун 2 қаватли бино қурила бошланди. Усталикларни ҳимоя қилиш станцияси қурилиб, фойдаланишга топшириш олдида турибди. Энг муҳими шундакки, ободонлаштиришда биринчи бўлиб Олтинкўлда канализация ўтказилмоқда. Шунингдек, қишлоқлараро қурилиш бошқармаси кўплаб бинолар қуриб бериш учун ҳўжаликлар билан шартнома тузмоқда.

Олтинкўлликларнинг келажакка мўлжалланган режалари аниқ ва равшандир. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII ва IV пленумларининг қишлоқ да турмуш-маданиятини юксалтириш, кўплаб гўзар-жойлар ҳамда маданий, жамоат бинолари қуриш тўғрисидаги қарорларини сидқидилдан бажариш учун астойдил кураш олиб бораётирлар.

Ў. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Бизнинг ахборот

ҚАРДОШЛАР ГАСТРОЛИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожикистон давлат филармонияси «Рубобчи қизлар» ансамбли Сурхондарё области район ва қишлоқларида катта программада концертлар беришди. Тожикистон ва Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Роҳат Хўжаева раҳбарлигидаги бу ансамблнинг рақоса ва солистларидан Р. Ҳожимамедова, Л. Маҳбубова ва Р. Боваровалар ўзларининг шўх рақслари, мазмунли қўшиқлари билан шинавандаларни хушнуд этдилар.

Ж. ХУШБОҚОВ.

СОВХОЗ МУЗХОНАСИ

АНДИЖОН. Хўжаобод районидаги Киров номли 5-бригадачилик совхозида 700 тоннадан ортиқ хўл мева сиғадиган музхона фойдаланишга топширилди.

* * *

Шу райондаги «Ёш Ленинчи» номли колхозда янги дам олиш уйи ташкил қилинди. Сўлим боғлар билан ўралган бу ошмонда ҳозиргача 45 дан ортиқ колхозчи дам олиб меҳнат қучоғига қайтди.

Т. МИРЗАЕВ.

ХЎЖАЙЛИ ГИЛАМИ

НУКУС, («Совет Узбекистони» мухбиридан) Хўжайлидаги кийим тикиш фабрикасида гилам цехи очилди. Сарагул Рўзимова, Гулжон Қутимова, Парда Утепова, Шарипа Кузенбоева, Ойжамол Мавлонберганова каби тўқувчилар смена топшириқларини 110—125 процентдан ошириб бажармоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Муросасизлар сигнали

САВЛАТГАМИ?

Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли совхоз Фарғона областидаги йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Совхоз қишлоқларининг қиёфаси деярли шаҳардан фарқ қилмайди. Барча хонадонлар Ильич нурлари билан чароғон. Бу ерда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар — телевизор ва радиоприёмникларни ремонт қилувчи, кийим тикиш устахоналари ва сартарошхоналаргача бор.

Лекин, совхоз ишчиларига маданий хизмат кўрсатиш ҳозирги кун талаблари даражасида эмас. Ишчи ва хизматчиларнинг ишдан сўнг ёки дам олиш кунлари маданий ҳордиқ чиқаришлари учун кўнгилдагидек жой йўқ, деб ўйлаётгандирсиз? Асло бундай эмас, совхоз бундан ўн йил илгари бир нечта колхозлар базасида ташкил топди. Бу колхозларнинг ҳар бирида шинам клуб бинолари бор эди. Ҳозир шу клуб бинолари бўмбўш ҳувуллаб ётибди. Уларнинг эшиклари фақат бўлим ишчиларининг умумий йиғилиши ва аҳёнда кўчма кино, область ва район «Билим» жамияти бўлимларидан лекторлар келгандагина очилади.

Бунинг устига кўпчилик клубларда стул ва скамейкалар етишмайди ва баъзилари кўпдан буён қаровсиз. Кўргазмали агитация ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ёзилган лавҳа, шиор, транспарант, кўргазма ва ҳурмат тахталари бўялмаганлиги учун сарғайиб кетган.

Хўжалик раҳбарлари совхоз марказий усадьбаси — Учкўприкдаги 200 ўринли клубни тан олишади, холос. Бошқаларни қишлоқ Советига қарашли эмиш. Бинобарин, у клубларда маданий-оқартув ишидан мутлақо бехабар бўлганлар ишлаяпти. Уларнинг бирортаси ҳам махсус маълумотга эга эмас.

Кўпгина ўрта ва олий маълумотли мутахассисларга эга бўлган совхозда маданий-оқартув ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ачинарли ҳолдир.

А. НОСИРОВ.

ЙЎЛ АЗОБИ...

Утган йил июнь ойида Андижон областининг Бўз — Шаҳрихон, Ленинск — Шаҳрихон автобус маршрути тўхташ жойларида йўловчиларга қулайликлар яратилмаганидан шикоят қилинган эди. «Совет Ўзбекистони» газета редакциясига юборилган бу шикоят текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар бошқармасига жўнатилган эди. Бу бошқармадан олинган хатда ўтган йилнинг ноябрь ойигача автобус тўхтамларида йўловчилар учун усти ёпиқ айвончалар ва салқин жойлар барпо этилиши айтилган эди.

Мана шундан буён бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо ҳануз ҳеч қандай янгилик йўқ. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш учун астойдил меҳнат қилаётган ва кўплаб «оқ олтин» етиштираётган меҳнаткашлар йўл азобидан қутилганлари йўқ.

Шаҳрихон — Бўз маршрутидаги автобус «Штаб» деган жойдан қайтади. Бу ер Фарғона область чегарасига яқин бўлган энг катта тўхтамдир. Бу ерда ҳозир тангадек соя йўқ. Йўловчилар жазирама иссиқда автобус кутишга мажбур бўлаётирлар.

«Штаб»дан Шаҳрихонга бораришда «Партия съезди», «Комсомол» номли тўхтам жойлар бор. Бу ерларда на ўтирадиган, на иссиқдан сақланадиган жой бор.

Шунингдек, Шаҳрихон — Бўз йўлидаги «Озод», С. Айний номли колхозларга бурилиш жойлари, Москва районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози территориясидаги тўхтамларда ҳам йўловчилар учун қулайликлар яратилмаган.

Бўз — Улуғнор, Бўз — Мингбулоқ маршрутлари бўйича автобус қатновини йўлга қўйиш ишни уч йилдан буён чўзилаётир. Ҳолбуки, ҳар иккала совхоз район марказидан 20-30 километр узоқда жойлашган.

Область автомобиль хўжаликлари раҳбарлари бу масалани қачон ҳал қилишларини билмоқчи эдик.

И. АКРАМОВ.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

ХИЗМАТГА ТУҲМАТ

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси хабар қилади:

«Совет Узбекистони» газетасида (1968 йил, 13 июль сони) босилган «Хизматга туҳмат» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан ўтказилган текширишда, унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Еттисой, Андижон2., Бахт, Боёвут ва бошқа қатор темир йўл станцияларида «Узсельхозтехника» район ва область бирлашмаларига қарашли халқ хўжалик юклари вақтида ташиб олинмай нўплаб жарима тўланаётгани аниқланди. Текшириш якуни «Узсельхозтехника» бирлашмасининг коллегиясида кенг муҳокама қилинди. Савдо базаларидан ўзларига тегишли юкларни вақтида ташиб олмаган, вагонларни бўшатиб бермай жарима тўлашга олиб келган ташкилот бошлиқларига қатъий чора кўрилди. Оператив чоралар кўрилиши натижасида мавжуд юклар қисқа вақтда ташиб олинди. Коллегия келгусида вагонлардан юк туширишда ва уни ташиб олишни жадаллатишга қаратилган тадбирлар белгилади.

Ахлоқ ва одоб

МИНГ РАҲМАТ

Севимли Ватанимизнинг кўлгина жойларида бўлганман. Она шаҳримиз Москвада, қаҳрамон Ленинград ва Калугада. Бородино майдонида, Сочида... Мен қаеда бўлмайин рус, белорус, украин, татар, бурят ва қозоқлар билан бир қаторда саёҳатда юрган, жасур жангчиларимиз сафида хизмат қилаётган, институтларда таълим олаётган, завод ва фабрикаларда ишлаётган ўзбек эдошларимни кўриб ич-ичимдан қувонаман, улар билан фахрланаман.

● ●

Москвадаги Ломоносов номли давлат университетида ҳозир 30 мингдан ортиқ студент, аспирант, докторант таълим олмоқда, илмий ишлар ёзмоқда, янгиликлар яратмоқда. Ана шуларнинг бири Носиржон Димурродовдир. Носиржоннинг отаси Элмурод ана Косон районидаги Ленин номли совхоз партия комитетининг секретари. Нозик, бўйи паст Носиржон бундан икки йил олдин ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади. Отаси:

— Ўғлим, сен ўзбекча ўқидинг. МГУга ҳавас қилишинг яхши. Аммо қабул имтиҳонларидан ўтишингга ишончим комил эмас. Енингдан оққан сувнинг қадри йўқ дейдилар. Қаршидаги пединститутга кириб ўқий қол.

— Мен МГУда, механика факультетида ўқийман. Орзуим шу.

Носиржон ана шу орзу билан ҳужжатларини университетга топширимоқчи бўлиб, қабул қилиш комиссиясига келди. Яхши ниятлар йиғитчалар, қизчалар ҳужжатларини қўлтиқлаб навбатда туришарди. Носиржон ҳам навбатда турганлар орасида терга ботиб тураверди.

Ҳужжатларни қабул қилиб олувчи аёл навбат Носиржонга келганда:

— Боғчага бориш ўрнига нега бу ерда адашиб юрибсан. Бора қол, барибир ҳужжатларингни қабул қилмаймиз,— деди. ...ундан кейин турган бўйчан йиғитнинг ҳужжатларини қабул қила бошлади.

Носиржон қишлоқи бола эмасми, четга чиқиб терлаганича у ёқ, бу ёққа қараб ўтираверди. Ушанда дадасининг «ўқий олмайсан» деган сўзлари қулоғи тагидан жаранглаб ўтди.

Шу пайт кўзойнак таққан бир кекса рус киши келиб қолди. «Ана раис келди, профессор келди» деб қолди атрофдагилар. Профессор ёшларга кўз югуртириб ўз хонасига ўтаётиб, дераза олдида маюс турган йиғитчанинг ёнига келди-да, нима гап, деб сўради:

— Қабул қилиш у ёқда турсин, ҳатто ҳужжатларимга қарамади ҳам,— деди профессорга Носиржон...

Профессор болага рухсат берди. Биринчи имтиҳон алгебрадан ёзма иш эди. Ўқитувчи бир масала, икки мисолни доскага ёзди. Орадан ўттиз беш минут ўтгач Носиржон масала ва мисолларни «оққа» кўчирди-ю, ўқитувчиларга топширди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Имтиҳон қабул қилувчилар бир-бирига «бу бола ишлаёлмади» деган маънода қарашиб олишди. Сўнгра улар Носиржоннинг дафтарини олиб, у ишлаган масала-мисолларни текшириб кўришди. Езма ишнинг бирон жойидан ҳам хато топишмади. Унга ўша жойдаёқ «беш» баҳо қўйилди. Орадан уч кун ўтгач, оғзаки имтиҳон бўлди. Бу имтиҳондан ҳам Носиржон аъло баҳо билан ўтди.

— Сени ўқитган ўқитувчиларга минг раҳмат. Сендай йигитчани тарбиялаган она-отангга, ўзбек халқига минг раҳмат,— деди имтиҳон комиссиясининг раиси. — Сен қолган иккита имтиҳондан озод қилинасан. МГУнинг студенти бўлганлигинг билан табриклаймиз...

Носиржон ҳозир университетнинг иккинчи курсида фақат аъло баҳолар, аъло интизом билан ўқияпти. Университет ректорати, партия, комсомол комитетлари Носиржон ўқиган Ленин номли ўрта мактабга, область партия, комсомол комитетларига Носиржондай истеъдодли, билимли ёшларни кўллаб етиштириш, университетга ўқишга юбориш ҳақида бир неча бор миннатдорчилик хати ҳам юборди.

О. МУМИНОВ,
КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабининг тингловчиси.

ЎТТИЗ ЙИЛ ЎТГАЧ...

Ўқилой бевақт вафот [illegible]. Унинг ери Отажон [illegible] тез орада оламдан [illegible]ўз юмди. Лекин, эл ва [illegible]дамлар етим фарзандларини ўқитмадилар, [illegible]ларни меҳр оғушига [illegible]лар. Йўлдош дастлабки [illegible]лар уйида, кейин Тошкентдаги [illegible] интернатига [illegible] ва тарбиялан[illegible]фар эса ўз қиш[illegible]. Нормат ака ой[illegible]азиз фарзанд [illegible] қолди.

[illegible]лар Усиб-ул[illegible]аркамол бўлиш[illegible]ди, бироқ бир-бирлари билан дийдор кўришмадилар. Сафар ўз оғайниси бўлганлиги ва Тошкентдаги интернатга юборилганлигини ҳамқишлоқларидан эшитиб, Йўлдошни излай бошлади, аммо дарак топмади.

Гурлан районидаги «Узбекистон» колхозида яқинда бир тўй бўлди. Урганч шаҳридан келган меҳмон Отажон Собиров Сафарга суқли тикилиб қолди.

— Кечирасиз, дўстим. Сизни бировга ўхшатиб қолдим. Тошкентда Йўлдош деган ошнам бор, шу кишига жуда ўхшаркансиз, — деди Отажон.

Сафар бу гапни эшитиб ҳаяжонланди. «Ўша менинг оғайним Йўлдош эмасмикин?» кўнглидан кечирди у.

— Менинг Йўлдош исмли оғайним бўлган. Болалик чоғида бир-биримиздан ажралишганмиз. Йўлдош Тошкентдаги интернатда тарбиялланган Сиз айтган Йўлдош менинг оғайним бўлса ажаб эмас. Ўша одам билан учрашувимга сабаб бўлсангиз, — ўтиниб сўради Сафар.

Отажон бу хайрли ишга розн бўлди. Тошкентда Йўлдошнинг уйидаги учрашув умрбод эсда қолади. Ўттиз йиллик ҳижрондан сўнг топишган жигарбандлар кўзидаги ёш меҳр дарёсидан томган қатраларга ўхшарди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.



Биринчи сентябрда кўплаб янги мактаблар ўқувчиларни ўз бағрига олади. Суратда: Чилонзор район 19-кварталда 1200 дан кўпроқ ўқувчига мўлжаллаб қурилган янги мактаб бинои.

И. Глауберзон фотоси.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖА

Совхозимиз узумчилик-боғдорчилик хўжалиги. Шу билан бирга чорвачилик, сабзавотчилигимиз ҳам катта салмоққа эга. Ўтган йили давлатга 250 тоннага яқин сут, 200 центнер гўшт сотдик.

Бу рақамлар унча катта эмас. Лекин табиий шароитни ҳисобга олганда, ёмон ҳам деб бўлмайди. Хўжалигимиз шаҳарнинг биқинига жойлашган. Еримиз тор. Чорва молларни яйратиб ўтлатадиган яйлов йўқ. Қорамоллар қўлда ем-хашак бериб боқилади. Сўнгги йилларда чорвачиликда бир қатор ютуқларни қўлга киритдик. Чорва молларнинг туёғини кўпайтириш планлари тўла ва ошириб бажариляпти. Илгари фермани тўлдириш учун бозордан ёки хонадонлардан қорамол сотиб олинар эди. Ҳозир мол сонини ўз фермамизда туғилган бузоқлар ҳисобига кўпайтиряпмиз. Ҳар юз бош сигирдан муттасил 95-96 бузоқ оляпмиз. Чиқим бутунлай тугатилди. Натижада сут берадиган ва сўқимга боқиладиган қорамоллар сони кескин кўпайди. Бошқа хўжаликларга насли яхшиланган жайдари ғунажинлар сотяпмиз. Озуқа базаси мустаҳкамланди. Бедазорларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш йўли билан ҳосилдорликни оширдик. Ҳар йили беданинг тўрт ўрим ўтказилиб, бешинчи ўрими сигир ва бузоқларга қўк ҳолида едириляпти. Маккажўхоридан олинадиган ҳосил ошди. Бу, силос бостириш планини ошириб бажариш имкониятини беряпти.

Чорва биноларини қуриш, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. Олдинги тарқоқ молхоналар ўрнига типовой янги молхона қурдик. Молларга ем-хашак етказиб бериш, молхонани тозалаш, сигир соғиш ва бошқа ишларни механизациялаштирдик.

Фермаларимиз малакали кадрлар билан таъминланди. Ходимлар орасида меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Маҳсулот олиш планининг бажарилиши тез-тез муҳокама қилиниб борилади. сут миқдорини кўпайтириш чоралари кўрилади. Чорвадорлар орасида мусобақа ташкил қилинган. Якуни ҳар ўн беш кунда эълон қилиниб, илғорларга кўчма вимпел ва пул мукофоти берилади. Ем-хашак бригадасига ишчи кучи ва транспорт воситалари доимий қилиб биркитиб берилди. Беда, пичан ўриш, сомон ташиш, силос бостириш, концентрат озуқа келтириш ва бошқа ишларнинг бориши маъмурият ва партия ташкилотининг кўшма мажлисида муҳокама қилиб борилади.

Ферма ходимларининг билими ва малакасини оширишга катта эътибор бериляпти. Молбоқарлар, сут согувчилар районимиз ва областимиздаги илғор чорвадор хўжаликларга бориб, илғор тажрибаларни ўрганиб келаётирлар. Совхозимизнинг ўзида эса қисқа муддатли зоотехника курслари ишлаб турибди. Сут, гўшт етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш масалалари тингловчиларнинг диққат марказида бўлаётир. Машғулотларни олий маълумотли зоотехник, ветеринария врачлари ўтказишади. 10-синфни битирган кўпгина қизлар фермага ишга келиб, сут согувчилик касбини ўрганаётир.

Мана шундай тадбирлар амалга оширилиши туфайли чорва молларнинг маҳсулдорлиги ошиб, ялпи маҳсулот миқдори кўпаймоқда. Ўтган йили зоти яхшиланиб бораётган жайдари сигирларнинг ҳар биридан 2300-2500 литрдан сут согиб олинган эди. Бу йил сигирлардан сут олиш янада ошди.

Молбоқарларимизнинг иши ҳам чакки эмас. Улар бўрдоқига боқишга қўйилган қорамолларни бир кеча-кундузда 500 граммгача семиртиришяпти. Биз гўштга сотиладиган қорамолларнинг ҳаммасини боқувга қуямиз. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 300 килограммдан ошгандан кейингина гўштга топширамиз.

Чорвадорлар орасида бундай ҳикматли сўз бор: «Уч бўри тўқиз қулунни ейди» дейишади улар. Бунинг маъноси қуйидагича: Уч бўри — уч ой қиш. тўқиз қулун — йилнинг қолган тўқиз ойи. Ана шу тўқиз ойда тўпланган ем-хашак уч ой қишда сарфланиб кетади. Шундай бўлгач, чорвадорнинг муҳим вазифаси қишловга пухта тайёргарлик кўришдан иборат. Қишлов — чорвадор учун синов. Қишдан қўй-қузисн, сигир-бузоғи, бия-қулуни, туя-бўталоғини соғлом ва семиз чиқариб олган киши ёки хўжалик мўл-кўл чорва маҳсулоти олишга, чорвачиликнинг келгуси янги тараққиётига мустаҳкам замин яратдим, деса бўлади.

Биз чорва қишловига тайёргарлик ишларини деярли тугалладик. Бундан икки ой илгари маъмурият ва партия ташкилотининг кўшма мажлисида чорва қишловига тайёргарлик масаласи муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар белгиланган эди. Шу вақт ичида анча ишлар қилинди: молхона, сигирхона ва бузоқхоналар ремонтдан чиқарилди. Туёқ сони кўпайгани ҳисобга олиниб, янги хоналар қурилди, улар агрегат ва ускуналар билан жиҳозланди. Хўжалигимиз ярим йиллик сут тайёрлаш планини ошириб бажарди. Бир центнер сутнинг таннархи планда кўзда тутилганидан 23 тийин арзонлаштирилди. Лекин бу ҳали кам. Камида бир сўм арзонлаштиришимиз керак.

Беда, пичан тайёрлаш графиги бажарилиш арафасида турибди. Ўрилган беда ва пичан эса барги қуриб тўкилмай туриб ферма биноси ёнига ташиб келтирилди ва гарамлаб қўйилди. Мутахассислар дағал хашакни сарфлаш муддатларини белгилаб чиқишди. Жамғарилган хашак ва беда ДКУ машинасида майдаланиб, концентратга қоришдирилгач сигирларга берилади. Бузоқлар алоҳида озуқа рациони бўйича қоришма ем-хашак билан боқилади.

Бу йил камида 2 минг тонна силос бостирамиз. Бу муҳим ишга киришилди. Дастлабки гектарлардаги думбул сўтали кўкпоя ўриб олиниб, силос бостириляпти. Ҳосил чўғи қутилгандан зиёд бўлаётир. Юқорида айтилганидек, совхозимиз узумчилик-боғдорчилик хўжалиги. Шу сабабли узум ва мева-чева чиқиндиларини исроф қилмай, сигирларга едириш чораларини кўриб қўйдик.

Совхозимиз коллективи қишловни ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик билан қутиб олади. давлатга чорва маҳсулотлари сотиш планларини ҳамма турлари бўйича 7 ноябргача бажаради.

Х. ҚОРАХЎЖАЕВ.
Тошкент областидаги «Дамачи» совхозининг директори.

Ж. ҚОРАЕВ,
ферма мудири.

Ж. МУСАБОЕВ.
ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи.

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ПУХТА ТАЙЕРГАРЛИК КУРАИЛИК

●

ФОТОЛАВҲАЛАР

Коммунист Улдона Холмўминова бошлиқ бригада коллективи ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашда Шеробод районидаги «Советобод» совхозида алоҳида намуна кўрсатяпти. Бригада пахтакорлари бу йил 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 14 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» териб олишмоқчи. Ҳозир бригаданинг ҳар туп гўзасида 7-8 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Юқоридаги суратда Улдона Холмўминова тўпланган ҳосилни чамалаб кўряпти. Пастдаги суратда аса шу райондаги Абдулла Набиев номли совхознинг илғор сувчиси Қ. Пўлатов. Бу жонкуяр пахтакор энгини қондириб суғориб, ҳосилига барака киритяпти.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Ота-боболаримиз ҳам бугдой ва арпани ўриб олгач, дарҳол ўрнини шудгорлашга киришишарди. Чунки шундай қилса ер дам олади, қуёш нуридан баҳраманд бўлади. Ёзда ҳайдалган ер кучланади, ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтларнинг илдизи тупроқнинг остки қатламига тушиб чирийди, ўғитга айланади. Ўсимлик учун анча озуқа тўпланади. Ўтган йили кўпчилик ғалла майдонини ёзда шудгорлаб, кузда дон эккан эдик. Эрта баҳорда катта майдондаги ғалла майсалари ўғитланди. Натижада лалмикорликда мўл ҳосил етиштирдик.

Кузда агротехника қоидалари асосида сифатли қилиб экилган дон серҳосил бўлиб етилгани, эрта пишгани туфайли уни ўриб-йиғиб олишга ҳам барвақт киришдик ва тез суръатлар билан олиб бордик. Комбайнлардан унумли фойдаланиб, барча ғалла қисқа вақт ичида йиғиштириб олинди. Ҳар гектаридан 9,5 центнердан ҳосил олинди. Давлатга кўп миқдорда дон сотдик. Уруғлик ва чорва моллар учун ем фондлари жамғариш планларини ҳам ошириб бажардик.

Мўл ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда, ташшида комбайнчиларимиз, шоферларимиз катта ташаббус кўрсатдилар. Р. Ғозиев, Н. Ҳамоев, Т. Қўлбоев каби комбайнчилар мавсум нормасини икки ярим-уч баравар қилиб бажардилар. Ўртоқ Рафиқ Ғозиев ҳар куни нормадаги 10 ўрнига 18 гектардан ғалла ўрди.

Биз дон етиштиришни кўпайтириш борасида тўпланган бой тажрибамиз асосида келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратмоқдамиз. Ғалла ҳосили йиғиштириб олиниши билан қ ўрнини ҳайдашга киришдик. Шу кунларда далада 40 га яқин ҳайдов трактори ишлаяпти. Барча тракторларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар кўрилди. Бошқа ишларда банд бўлган айрим механизаторлар ҳам ғалла майдонларини ҳайдашга сафарбар этилди. Ҳар бир бўлимга кунлик ҳамда беш кунлик ер ҳайдаш графиклари белгиланди. Кейинги беш кунликда шудгорлаш графиги анча ошириб адо этилди.

Биз бўлим бошқарувчилари, агрономлар ва трактор бригадаларининг механиклари билан маслаҳатлашиб, ҳар 10 кунда шудгорлашнинг боришини муҳокама қилиб турилга қарор қилдик. Ер ҳайдаш топшириғини ошириб бажарган тракторчилар мукофотлаб борилади. Илғорларга совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз комитетларининг кўчма Қизил байроғи берилади.

Ёзги шудгор 30-32 сантиметр чуқурликда ўтказиляпти. Ер ана шундай чуқурликда ҳайдалганда бу йилги ўсиқ буғдой ва арпа поясини ўргандан кейин қолган қисми тупроққа яхши кўмилади, қишда чириб, ерни кучайтиради, келгусида ғалла ҳосилини янада ошириш имконини беради. Биз имкониятлар ва резерврлари тўла ишга солиб, 13 минг гектар лалмикор ернинг ҳаммасини 15 сентябргача сифатли ҳайдаш, кузги дон экишни барвақт тугаллашни мўлжаллаяпмиз. Бунга албатта эришамиз.

К. АЗИМБЕКОВ,
Каттақўрғон районидаги «Каттақўрғон» совхозининг бош агрономи.

ҚЎНҒИРОҚНИ КУТИШЯПТИ

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН)

Орзиқиб кутилган 1 сентябрга ҳам саноқли кунлар қолди. Яна бир неча кундан кейин мактабларда қўнғироқлар чалиниб, янги ўқув йили бошланганидан дарак беради. Ёз бўйи пионер лагерларида, мактабларнинг соғломлаштириш майдончаларида, республикамизнинг баҳаво, соя-салкин ерларида дам олган пионер ва ўқувчилар куч-қуввата тўлиб, севимли мактаблари қучоғига қайтадилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ маорифини такомиллаштиришга, таълим-тарбия ишини яхшилашга, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Ҳар йили республикамизда кўплаб янги мактаб бинолари қуриляпти. Уларнинг тармоги кенгайтирилиб, моддий базаси мустаҳкамланмоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш ва унга пухта билим бериш йўлидаги ғамхўрликларга жавобан барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, мактаблар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйиляпти, янгилари оса белгиланган муддатда ишга тушириляпти.

Каттақўрғон район халқ маорифи ходимлари, қурувчилар ва барча меҳнаткашлар астойдил ҳаракат қилиб, райондаги 104 та мактабни муддатидан илгари республикада биринчи бўлиб капитал ва жорий ремонт қилдилар. Кейинги икки йил ичида районда 20 га яқин ўрта ва бошланғич мактаблар қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Янги ўқув йилига тайёргарликни жуда эрта бошлаган Қашқадарё областининг мактабларида ремонт ишлари намунали бажариляпти. Яккабоғ район халқ маорифи ходимлари, партия ва совет ташкилотлари, кенг жамоатчилик ўқув-тарбия ишини умумхалқ иши деб билиб, мактабларни ва мактабгача бўлган болалар муассасалари биноларини ремонт қилиб қўйдилар. 69 та мактабнинг барчаси сифатли ремонт қилинди. Улар қошидаги 8 та интернат ҳам ремонтдан чиқарилди. Колхозлар маблағи билан қурилаётган бешта типовой мактаб битказилиб, ўқувчиларни кутяпти. Бу ҳақда Ҳафиз Турдиев редакцияга хабар ёзиб юборган

— Қаршн районн мактабларида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик барвақт бошланди деб ёзишади, — Ж. Юсупов ва Ж. Бозиров ўртоқлар. Мавжуд мактаблар сифатли ремонт қилинди. Фан кабинетлари, ўқув устахоналари ҳам тахт қилиб қўйилган Райондаги Карл Маркс, Шота Руставели, Калинин номли мактаблар ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда барчага ўрнак бўлишяпти.

Р. Бекбоев, А. Аҳмедов, Х. Турсунов, Б. Самадов ўртоқларнинг хатларида ҳам Қашқадарё область мактабларида ремонт ишлари қай даражада бажарилаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

1968 — 1969 ўқув йилини намунали кутиб олишга Андижон шаҳар маорифчилари барвақт киришдилар. — Июнинг охиридаёқ 46 та мактаб, 37 та боғча-ясли биноларн жорий ва капитал ремонтдан чиқаришга мўлжалланган эди, — деб ёзишади П. Халилов ва С. Ҳайдаров ўртоқлар Андижонликлар ваъдаларига вафо қилдилар. Оталиқ ташкилотларнинг ёрдамини ҳам алоҳида уқтириб ўтиш керак. Бадиий буюмлар фабрикаси, гидролиз, машинасозлик заводлари ўз оталиқларидаги мактабларга 28 та қўшимча синфхона қуриб беришди.

С. Ҳолматов ва М. Собиров ўртоқларнинг хабар қилишича Ўзбекистон районн мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик машғулотлар тугаши биланоқ қизғин бошлаб юборилган Ремонт ишига барвақт киришилгани туфайли Фурқат номли, Карл Маркс номли, А. С. Макаренко ва Садриддин Айний номли ўрта мактабларда июль ойининг бошларидаёқ ремонт ишлари тугатилди. Ремонт ишларида мактабларнинг ўқувчилари, ўқитувчилар ва қишлоқ аҳли иштирок этди. Шу кеча-кундузда райондаги барча мактабларда китоб савдоси қизитиб юборилди. Ҳанифа Қосимова, Абдираҳим Халилов, Назиржон Аҳмадалиев каби кутубхона ходимлари ўқувчиларни янги дарсликлар билан таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти Бу йил районда 36 мингдан зиёд ўқувчи 1 сентябрда мактабларда қўнғироқни кутади. Мактабларнинг барчаси ҳам қўнғироқ чалинишига тахт қилиб қўйилган.

Р. Каримов, (Андижон), О. Юсуфжонов (Қўқон), Б. Ашуроев (Сурхондарё), З. Алиев (Наманган), Б. Жуманазаров (Хоразм), ўртоқларнинг редакцияга йўллаган хат-хабарларида ҳам мактаблар ремонти ҳақида ҳикоя қилинади.

ҚОВУН САЙИЛИ

Амударё соҳиллари азалдан бойликлар хазинаси. Воҳанинг унумдор, серҳосил тупроғида фақат пахтагина эмас, балки хилма-хил ширин-шакар мевалар, дастурхонининг зийнати бўлган анвои сабзавоту, гурли ноз-неъматлар унади. Айниқса Хоразм қовунлари жаҳонга машҳур.

Кекса деҳқонларнинг ҳикоя қилишича, илгари куз фаслидаги қовун сайилларида олтмиш хилга яқин ширин-шакар қовунлар намойиш этилган. Кейинги йиллардаги қўргазмаларда ҳам Хоразм қовунлари юқори баҳо олди.

Хива районидаги Огоҳий номли, Янгариқ районидаги Охунбобоев номли, Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли, Шовот районидаги «Ленинград», Ўрганч районидаги Карл Маркс номли колхозлар қовунзорларни йил сайин кенгайтирмоқдалар. Илғор хўжаликларда полизчилик сердаромад тармоққа айланяпти.

Область хўжаликларида қовун етиштиришнинг ажойиб усталари, янги навлар яратаётган халқ селекционерлари кўп. Гурлан районидаги «Ленинизм» колхозининг Ленин орденли полизчиси Матвафо ака Юсупов қовун ҳосилдорлигини ошириш ва сортини яхшилаш устида астойдил меҳнат қилиб, катта тажриба тўплади. Хива бешаги, оқ новвот, нони-гўшт, жийда ярпоқ, гулоби, ола ҳомма сингари талай сортларнинг сифатини оширишда Матвафо аканинг хизмати катта. Урганчлик Матёқуб Собиров, шовотлик Рўзимбой Қўчқоров каби соҳибкорлар қовун етиштиришда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Гурлан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхози беда ва қовун уруғи етиштиришга ихтисослаштирилган. Бу колхоз полиз экинлари махсулотлари етиштирадиган тажриба-таянч хўжалиги бўлиш билан бирга, область колхоз ва совхозларини қовун уруғи билан таъминлаяпти. Уруғ учун экилган 20 гектардан ортиқ майдонда ва тажриба участкаларида гурвак, оқ новвот, қариқиз ва бошқа эртапишар навлар ҳосили ҳозир давлатга топширилаётир.

Область хўжаликлари бу йил 32,2 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш, шундан 10 минг тоннасини давлатга сотиш мажбуриятини олганлар. Планда белгиланган 2756 гектар майдоннинг ҳаммасида мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилди. Илғор хўжаликлар қовун тайёрлашга барвақт киришдилар. Август — тўкинчилик ва пишиқчилик ойи. Бу ойда Аму бўйларида ҳам қовун ғарқ пишади. Халқимизнинг гўзал анъанаси — қовун сайиллари ўтказилади.

О. ИУЛДОШЕВ.
Хоразм область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи.

ИККИ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда катта зафарлар билан кутиб олишга интилаётган Свердлов районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари катта ғалабага эришдилар. Колхоз давлатга пландаги 137 тонна ўрнига 140 тоннадан ортиқроқ серқаймоқ сут сотди. Хўжалик чорвадорлари яна 80 тонна сут топшириш мажбуриятини олишди.

Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг чорвадорлари ҳам сут топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Ҳар бир соғин сигирдан ҳозиргача ўртача 1500-1600 литрдан сут соғиб олинди. Бу миқдорни йил охиригача 2000 литрга етказиш учун курашмоқдалар.

Китоблар оламида

МЕҲНАТИНГ — ЖАСОРАТИНГ

Юртимизнинг қайси бурчагига борманг, қайси бир соҳаси билан танишманг, сиз у ерда ўз меҳнати билан шуҳрат қозонган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган, халқ эъзозлаб кафтига кўтарган қаҳрамонлар билан учрашасиз. Уларнинг фидокорона меҳнатини, заҳматкашлигини кўриб чин қалбингиздан таҳсин ўқийсиз.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти китобхонларга тақдим қилган «Қаҳрамоннома» асари бизни ана шундай меҳнатсевар, покиза қалбли совет кишилари билан таништиради.

Ўзбекистон халқ ёзувчси Абдулла Қаҳхорнинг «Дўрмон қўчини», И. Раҳимнинг «Жаводнинг жадвали», «Турсуной ва унинг издошлари», К Симоновнинг «Тўпчининг характери», Н. Сафаровнинг «Аяжонимиз», И. Шамшаровнинг «Қушга қаноту, инсонга бахт» каби асарлари ўзбек ўқувчиларига анчадан бери яхши таниш. Бу асарлар ўзининг жозибадор кучи, воқеаларнинг равон ва енгил баён қилиниши, чинакам инсоний фазилатга эга бўлган совет кишисининг характерини яратиши билан китобхонинг қалбига йўл топади, уни ўз қаҳрамонлари билан бир умрга ошно қилади.

Мазкур асарларнинг муаллифлари қаҳрамонлар фаолиятини кўрсатишда кўпроқ унинг ички кечинмаларига мурожаат қиладилар. Қаҳрамонларнинг орзу умиди, интилиши, фикр-ўйларига қулоқ соладилар. Биринчи бор кўринишда унча эътибор қилинмайдиган қаҳрамон хатти-ҳаракатидан катта инсоний фазилатчинг намуласини келтириб чиқаради Ана шу хатти-ҳаракатларда қаҳрамоннинг покиза қалби, содда ва камтаринлиги намоён бўлади Ёзувчи И. Раҳимнинг «Жаводнинг жадвали» номли очеркидаги Жаводнинг ҳаракатлари айниқса характерлидир Ёзувчи унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, ундан катта умумлашма чиқаришга эришади.

Баъзи адибларимиз совет кишисининг меҳнати туфайли содир бўлаётган ўзгаришларга эътибор қиларкан, қаҳрамонни қуруқ мақташдан, юқори кўрсаткичларни кўрсатадиган сонларни такрорлашдан, процентларни кўпайтиришдан қочади. Улар кўпроқ қаҳрамоннинг маънавий дунёсига, турмушига, ҳонадонига кириб боради. Бу жараёндаги бўлаётган ўзгаришларнинг ўзигина қаҳрамон ўз меҳнатининг чинакам гаштини сураётганлигини, уларнинг тўқ ва фаровонлигини кўрсатади. Қаҳрамонларимиз фақат пахта билангина банд эмас. Уларнинг кўз олдида жамиятимиз олдида турган жуда муҳим масалалар, қилиниши лозим бўлган ишлар, халқнинг орзу истакларини қондириш кабилар кўндаланг бўлиб турибди.

«Қаҳрамоннома»даги Мели Жўраннинг янги ер бағрини очаётган қаҳрамон Қ. Жумонқуловга бағишланган «Шўртепа шунқори», Н. Охундийнинг халқ ва ер тарихини баён қилишга қаратилган «Ҳат», Н. Юсуфийнинг «Ойдин кечалар» каби очерклари ўқувчида яхши таассурот қолдиради.

«Қаҳрамоннома» тўпламидаги айрим очеркларда авторларимиз ҳали ҳам анчадан бери давомлашиб келаётган нуқсонлардан қутулолмаганлар. Улар қаҳрамон фазилатини, унинг жасоратини кўрсатишда кўпроқ рақамларга мурожаат қиладилар. Терилган пахталарни қайта-қайта таъкидлайдилар, орден ва медалларни тасвирлашга ҳаддан зиёд урнадилар Тўпламга кирган айрим очерклардаги бу нуқсон қаҳрамонларнинг образини тўлалигича ёритиш имконини бермайди. Кўз олдимизда тирик инсон ўрнига кўпроқ сен ва рақамлар ўтади.

Совет кишиларининг қаҳрамонлик фаолиятига бағишланган бу номанинг нашр этилиши адабий ҳаётимизда амалга оширилган энг яхши тадбирлардан бири сифатида тақсинга сазовордир.

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш керакки бу китоб қаҳрамонларимиз ҳақидаги ёзилган асарларнинг бошланишидир. Республикамиз ҳаётида, унинг кўпгина соҳаларида ўзининг жуда ажойиб меҳнати билан шуҳрат қозонган қаҳрамонларимиз, маданият арбобларимиз, фан ва техникамизнинг юксак олимлари, ажойиб санъати билан халқ ҳурматини қозонган кишиларимиз бор. Мана шу соҳаларнинг ҳар бири бўйича қаҳрамонномалар яратилганда жуда яхши иш бўлур эди. Бунинг амалга оширилиши жамиятимизнинг хамма соҳаларидаги олижаноб меҳнат аҳлларининг ёркин образини китобхонларга етказишда муҳим роль ўйнайди

Е. ЯКВАЛХУЖАЕВ.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

◆ МАШИНАЛАР ШАЙ

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг «занғори кема» суворийлари пахта териш машиналарини Оққўрғон районида биринчи бўлиб мавсумга шай қилиб қўйдилар.

Хўжалик коллективи катта-катта майдонларда пахтани машинада териш соҳасидаги кўп йиллик тажрибасини умумлаштириб, бу йил бутун ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилди.

◆ КАНОП ЎРИЛМОҚДА

Тошкент области хўжаликларининг лубкорлари ҳосилни саралаб ўришга киришдилар. Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ районларининг деҳқонлари ўтган йилгидан илгари каноп ўришга киришдилар.

◆ ЁҒ ЗАВОДЛАРИ УЧУН

Тошкентдаги тажриба-механика заводи мамлакатнинг мой-ёғ саноати корхоналарига машина-ускуналар етказиб бера бошлади. Узбекистон пойтахти яқинда қардош Арманистон озиқ-овқат саноати ходимларига машина-ускуналарнинг дастлабки туркумини жўнатди.

Бу йил корхона Ўрта Осиё ва Закавказьедаги олти пахтакор республика озиқ-овқат саноати ходимларининг буюртмаларини бажармоқда. Корхона йил охиригача уларга 60 дан кўпроқ машина етказиб беради.

БОБИР

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Қора тун бағрида сўнмас чироқдай,
Шаҳзода карвони нозар дилхаста.
Ғилофдан суғрилган олмос ярақдай,
Сайхун йиғлаб оқар карвондан пастда,
Мунгли жудолиқка беролмай бардош
Тўлқинлар эшилиб, чекади нола,
Бу ситам ўтида эриб нетар тош,
Ва кўнгил йиғлайди мисли ёш бола.
Само бешигида қалқийди моҳтоб,
Алам ёшларини тўкиб Сайхунга.
Шарқий уфқлардан чиқса деб офтоб,
Сарбон нажот ила тикилур унга.
Энг содиқ ҳамроҳдай олис юлдузлар
Бир сўниб, бир ёниб, чекади фиғон.
Айрилиқ дардидан адамли кўзлар
Бир чароқ бир маскан излар бегумон.
Сайхуннинг кўз ёши бўлиб бир дарё,
Қирғоққа бош уриб йиғлар тўлқинлар.
Кўнгилни сел қилиб оқизар «Гиря»,
Севги чаманидан чиқар кукунлар.
Бог аро хаёлнаш сўлим бир жонон,
Паришон сочлари ўпар пойини.
Ситамкор кўнглида нола-ю афғон,
Юзларн йўқотган кўрк-чиройини.
Қалбидан оқади ғамгин бир қўшиқ,
Сеҳридан тўкилар барги хазонлар.
Шунчалар бераҳму қудратлими ишқ,
Ва бошга солурми шунча азоблар?!
Севгисин дилида сақлаб пинҳона,
Бир калом айтолмай шоирга ёлғиз,
Қайси бир гўшада дард чекиб, ёна
Висолни зориқиб кутган шўрлик қиз,
Бошига тушганда аёвсиз ҳижрон,
Қўшиқ қилиб куйлар дардини нуқул.
Висолдан яшнаган ишқий ҳиёбон,
Бугун унга тутмиш заъфарон бир гул.
Бул санам сочини супурги айлаб,
Шоир юрган йўлни супурай, дейди.
Кўзларидан оққан ёш-ла авайлаб,
Шоир юрган йўлга сув сепай, дейди,
Ва лекин бўлурми муроди ҳосил,
Чил-чил синмадими севги қадаҳи?!
Эй, сабо, бўлурми мақсади восил,
Етармн шўрлиннинг шоирга оҳи?!
Бул малак оҳидан бехабар, мунгли
Сайхун ёқасида кетмоқда карвон.
Анордай эзилиб шаҳзода кўнгли,
Отга қамчи босгил, дейди эй сарбон!
— Шоирим, йўлингдан тўхта бир нафас.
Бир дам ўқиб олгил менинг дафтарим.
Ўз юртинг, оқибат бўлдими нафас,
Мендан ҳам кўпмиди сеннг дардларинг?
Мен Сайхун бўлгандан ушбу дунёда,
Бундайин савдони кўрмагандим ҳеч.
Наҳотки, қувсалар сени диёрдан,
Кел, ўз юртингда қол,
бу савдодан неч!
Шоир жим.
Бошини ушлайди дилтанг,
Қўнглин пора айлар чигал муаммо.
Диёрида қолса, яна бўлур жанг
Яхшиси, кетмоқни кўради аъло:
— Алвидо,
Багри қон менинг Сайхуним,
Сувингдан бир кўза берсанг бўлгани,
Сенинг меҳринг ила ўтар ҳар куним,
Бирон кун келурман сени кўргани.
Сарбоним, машъаланг кўтаргил баланд,
Сўнгги бор кўрайин Сайхун юзини.
Отим тўйиб ичсин сувидан гарчанд
Оқолмай кетяпман унинг тузини,
Она тупроғини ноилож ташлаб,
Сайхун ёқасида карвон кетадур.
Каро кечаларда кўзини ёшлаб,
Кўнглида бир дунё армон кетадур.
«Андижон самосин» мунгли ноласи,
Юракни қиймалаб фиғон кетадур
Гул-гул очилмасдан баҳор ноласи,
Фасли нуз дастидан бўстон кетадур.
Андижон мулкидан тополмай панох,
Қора от устида султон кетадур.
Тоғлар кўксин тешиб дилдан чиққан оҳ,
Ота қабрин ташлаб ўғлон кетадур.
Машъал тутиб карвон йўлига ҳозир
Дилсиёх бечора сарбон кетадур.
Салтанат тожини тарк айлаб Бобир,
Билмадим дўстларим, қаён кетадур.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Советлар мамлакатида



Суратларда юқоридан пастга 1. Ярославль области «Меленковский» совхозида қишлоқ хўжалигини электрлаштириш Бутуниттифоқ институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қурилган юқори механизациялаштирилган ферманинг биринчи навбати ишга туширилди. Бу ерда ҳар куни 7 тоннадан ортиқ сут қайта ишланиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Оператор Н. Кулаков сутни халтачаларга қуймоқда. 2. Тула области. Киреев сунъий мўйна фабрикасида трикотаж ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ундан аёллар кўйлаги ва болалар кийимлари тикиш мумкин. Суратда: янги цехда ўрнатилган серунум машиналар. 3. Қирғизистон ССР Сокулук районидаги «Рассвет» колхозининг ғалла қизил карвони. Хўжалик давлатга беш йиллик дон сотиш план топшириғини муддатидан илгари бажарди. 4. Озарбайжон ССР. Алибайрамли ГРЭСида еттинчи блок бугун-эрта ишга тушади.

И. Динин, П. Маслов, В. Утешев ва В. Пашченко фотолари.
(ТАСС фотохроникаси).

Спортчиларга мукофот

Мамлакатимизда физкультура ҳаракатини ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун бир группа спортчилар, тренерлар, мутахассислар СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон физкультурачилари ҳам бор.

Самарқанддаги Алишер Навоий номли Давлат университети жисмоний тарбия кафедрасининг мудири В. Бессеккерних, чирчиқлик тренер А. Григорьянц, хизмат кўрсатган спорт мастери «Таштекстильмаш» ва СССР терма командасининг аъзоси Роҳила Салимова — Прокопенко, Ленин номидаги Тошкент хотин-қизлар педагогика билим юрти жисмоний тарбия ўқитувчиси Р. Содиқовалар Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландилар.

Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи совети раиси Э. Аминов, Тошкентдаги 14-мактаб ўқитувчиси Н. Раҳимбоев, Андижондаги болалар спорт мактаби директори Ш. Раимжонов, Бухородаги болалар спорт мактаби директори Қ. Тошевлар «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирландилар.

Қишлоқ стадионлари

ЖАРҚЎРҒОН. (ЎзТАГ). Бу ерда типовой лойиҳа асосида қурилган стадион ишга туширилди. Стадион футбол майдонига, волейбол ва қўл тўпи ўйинлари учун майдончаларга, югуриш йўлларига эга. унинг трибуналарига уч минг томошабин сиғади.

Жарқўрғондаги стадион — бу йил областда қурилган иккинчи спорт иншоотидир. Биринчи иншоот ёз мавсумининг бошида Деновда очилган эди. Ҳозир Шўрчи районидаги Жданов номли колхозда олти минг кишн сиғадиган стадион қурилмоқда. Уни қуришда район комсомоллари ва ёшлари қатнашмоқда.

Халқаро ҳаёт

ХАЛҚЛАР СЕН БИЛАН БИРГА, ВЬЕТНАМ!

ЛОНДОН. Англияда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши кураш кампанияси кенгайиб бормоқда. Бир мингдан ортиқ жамоат, сиёсий ташкилотлар ва касаба союз ташкилотлари, шунингдек Англия парламентининг юздан ортиқ аъзоси «Буюк Британия халқининг Вьетнамда тинчлик ўрнатиш декларацияси»га қўл қўйди. Декларацияда Англия ҳукумати Американинг Вьетнамдаги урушидан ўзини четга тортсин, деб талаб қилинади, шунингдек Американинг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилиши ҳеч қандай шарт қўйилмай, дарҳол тўхтатилиши зарур ва Вьетнам масаласини Женева битимлари асосида тинч йўл билан ҳал этишга эришмоқ керак, деб таъкидлаб ўтилади.

ДЕҲЛИ, Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг сессиясида Вьетнам масаласи юзасидан махсус қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади: «Америкзнинг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишлари ва АҚШнинг бу республикага қарши бошқа душманлик ҳаракатлари сўзсиз тўхтатилмагунча, сулх тузиш йўлида илгари силжиш асло мумкин эмас». Резолюция «Мамлакатда тинчлик ва халқлар мустақиллиги тарафдори бўлган барча партиялар, ташкилотлар ва гуруҳларни Вьетнам билан бирдамлик кампаниясини мумкин бўлган ҳарқандай воситалар ёрдамида кучайтиришга чақиради».

ВАШИНГТОН. Сенатор Южин Маккарти Кливленд ишчилар касаба союзи аъзолари ўртасида нутқ сўзлаб бундай деди: Америка халқи «Вьетнамдаги шафқатсиз урушнинг тўхтатилиши»ни тобора қаттиқ талаб этмоқда. Маккарти уруш ҳаракатларини кучайтириш йўли билан эмас, балки музокаралар олиб бориш йўли билангина Вьетнамдаги урушга барҳам бериш мумкин, деб яна такрорлади.

БОНН. Машҳур ёзувчи ва драматург Петер Вайс Вьетнам Демократик Республикасига қилган бир ярим ойлик сафаридан кейин шундай хулоса чиқарди: АҚШ Вьетнам халқини қириб ташлаш учун жиноий уруш олиб бормоқда. Петер Вайс Ғарбий Германиядаги «Шригель» Журнали мухбири билан қилган суҳбатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: АҚШ президенти Жонсон шу йил март ойида «Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилиш доираси чеклаб қўйилади, деган эди. Ана шундай чеклаб қўйиш «бомбардимонларнинг бартараф қилинишини эмас, балки икки-уч баравар кучайтирилишидан» иборат бўлиб қолмоқда.

— АҚШ Вьетнам Демократик Республикасига қарши адолатсиз ҳаво урушини тамомила тўхтатиши керак,—деб уқтириб ўтди. П. Вайс. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ ТЎҒРИСИДА ФИН МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ХЕЛЬСИНКИ. 12 август. (ТАСС). Финландиянинг демократик матбуоти бугун КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорининг баёнини босиб чиқарди. «Кансан уутисет» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бундан буён ҳам Ленин йўлидан қатъий ва оғишмай олга бораверади, ривожланишнинг конкрет тарихий шароитларига мувофиқ равишда бу йўлни ижодий равишда бойитиб, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал ва муросасиз кураш олиб боради».

Газета қарорда и Владимир Ильич Ленин ишчилар синфининг бирлигини «мўлжалланган мақсад сари муваффақиятли равишда олга боришнинг энг муҳим шарти, деб билган эди. Ленин интернационализм байроғини баланд кўтарди ва коммунистлар билан барча меҳнаткашларни халқаро бирдамлик руҳида тарбиялади», деган қисмини алоҳида бўртириб берган.

«Пяйвян Саномат» газетаси ва мамлакатда чиқадиган бошқа газеталар ҳам «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қарорининг баёнини босиб чиқардилар.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

◆ АҚШ

АҚШда забастовкалар ва уларнинг қатнашчилари сони шу йилнинг биринчи ярмида 1967 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди. Бунинг натижасида 1968 йилнинг олти ойи мобайнида қарийб 1,5 миллион иш куни нобуд бўлди.

«Иллинойс белл телефон» алоқа компанияси ходимларидан қарийб 12 минг киши уч ойдан буён иш ташлашни давом эттирмоқда. Коннектикут штатидаги гротон кемасозлик корхоналарида афт—КПП механиклар касаба союзи ва ўнта бошқа касаба союзларнинг аъзолари бўлган 7.500 ишчи тўрт ойдан буён иш ташламоқда.

Ҳозирги вақтда энг йирик «Кэмбелл суп» компанияси заводларида 7 минг ишчи ва Нью-Йорк бўёқчиларидан 6 минг киши ўз ҳуқуқлари учун курашмоқда.

◆ АНГЛИЯ

Лондон ва Манчестер газеталари суратсиз чиқади. Литографчи рассомлар, граверлар ва цинкография ходимлари касаба союзи аъзолари бўлган 650 ишчининг ишдан бўшатилганлиги бунга сабаб бўлди. Бу ишчилар ўтган ҳафтада «қатъий қоида асосида» ишладилар. Ишчилар иш ҳақининг ўрта ҳисобда 5 процент оширилишини талаб қилдилар. Газета нашриларининг уюшмаси бу талабни қондиришдан бош тортиб, дарҳол нормал иш бошлашни талаб қилди. Уюшма раҳбарлари акс ҳолда ишчилар дарҳол ишдан бўшатилажагини маълум қилдилар.

Касаба союзи ана шу ультиматумга бўйсунишдан бош тортганидан кейин корхона эгалари 650 ишчини ишдан бўшатиб, ўз таҳдидларини амалга оширдилар.

◆ ИРЛАНДИЯ

Ирландия пойтахти — Дублин шаҳри коммунал хўжалик ходимларининг забастовкаси бир неча кундан буён давом этмоқда. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Шаҳарда тегишли тартиб сақлаш вазифаси армия зиммасига юклатилган.

◆ ИСПАНИЯ

Испаниядан олинаётган хабарлар испан меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган кураши тобора кучайганлигидан далолат бермоқда. Эркин касаба союз ташкилотларининг тақиқланганлигига қарамай, ишчиларнинг жипслиги тобора яхши самара бермоқда.

(ТАСС).

Манила. 2 августда Филиппин пойтахтида кучли ер силкиниши рўй берди. Унинг кучи 7 балл эканлиги қайд қилинди. Баъзи маълумотларга кўра шаҳардаги кўпгина йирик бинолар бузилган, юзларча ниши ҳалок бўлган. Суратда: пойтахт районларидан бирининг ер қимирлашдан кейинги ҳолати.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

Симпозиум арафасида

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа боғловчи совет комитетида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, мазкур қитъалардаги 17 мамлакат вакиллари, шу жумладан Вьетнам Демократик Республикаси, Ливан, Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон, Жазоир, Сенегал вакиллари Тошкентда ўтказиладиган «адабиёт ва ҳозирги дунё» халқаро симпозиумида қатнашиш ниятида эканликларини билдирганлар. Симпозиум иккинчи қитъа ёзувчилари биринчи конференциясининг 10 йиллиги муносабати билан сентябрь охирида ўтказилади.

Тошкент меҳмонлари симпозиумдан ташқари, Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигини байрам қилишда қатнашадилар.

Москва.

«ИЖОДИЙ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ҲУЖЖАТИ»

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. (ТАСС). «Ди Вархайт» газетаси «Ижодий Марксизм-Ленинизм ҳужжати» деган сарлавҳа остида олти қардош партиянинг Братиславада бўлиб ўтган кенгаши якунларига бағишланган редакцион мақоласини босиб чиқарди.

«Братислава баёноти, — деб ёзади газета,— коммунистик ва ишчи партиялари, айниқса социалистик мамлакатлар коммунистик партиялари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий принципларини акс эттиради. Коммунистик ва ишчи партиялари шунингдек социалистик мамлакатларнинг интернационал ва миллий вазифалари ўртасидаги мавжуд узвий, диалектик бирликни таъкидлайди».

Мақолада кўрсатиб ўтилади-ки, социалистик жамият қуришнинг муштарак қонуниятларига изчиллик билан риоя қилинган ҳолдагина социализм ва коммунизм сари муваффақиятли ҳаракат қилиб борилиши мумкин. «Бу вазифа ишчилар синфи ва унинг илғор авангарди бўлган коммунистик партиялар раҳбарлик ролини бажарган тақдирдагина бажарилиши мумкин».

«Братиславадаги кенгаш натижалари,— дейилади мақолада,— жаҳон социалистик системасини янада ривожлантириш учун жуда катта ижобий аҳамиятга эгадир».

Ҳиндистонда муссон ёмғири

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг кўпгина районларида қарийб бир ҳафтадан буён тўхтовсиз муссон ёмғири ёғмоқда. Бу ерда июнь ва июль ойларидаги тинкани қуритувчи жазирама иссиқдан кейин шундай ёмғир ёға бошлади. Лекин ёмғирдан кейин нафас олиш енгиллашган бўлса ҳам бу узоқ давом этмади — ёмғир, унинг кетидан келадиган шамол шундай зўрайдики, бу анча зарар етказмоқда ва ҳаммаёқни вайрон қилмоқда. Ассам, Керала, Гуджерат, Ражастон, Ғарбий Бенгалия штатлари айниқса катта зарар кўрди. Бу штатларда ўн минглаб гектар далаларни сув босиб кетди. Бир миллиондан кўпроқ кишн бошпанасиз қолди. Расмий маълумотларга қараганда, 255 киши қурбон бўлган.

Ёмғир қаттиқ ёғганлиги сабабли Сурата шаҳри яқинида 32 километр келадиган кўл пайдо бўлган, шаҳарнинг ярмини эса уч метр келадиган сув босиб қолган.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Одессада мағлубият

Футбол

Кубок ўйинларида мухлисларини хурсанд этаётган «Пахтакор» чемпионатда яна муваффақиятсизликка учради. Ўзбек футболчилари бу сафар Одесса шаҳрида «Черноморец»дан 1:4 ҳисобида енгилишди.

«Пахтакор» навбатдаги ўйини эртага Киевда мамлакат чемпиони билан ўтказади. Шу куни ўтказилган бошқа учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Динамо» (Тбилиси) — «Нефтчи» — 4:0; «Торпедо» — (Кутаиси) — «Спартак» — 2:0, «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва) —1:0; ЦСКА — «Зенит»—1:0; «Арарат» — «Динамо» (Кировобод)—1:0; «Динамо» (Киев)— «Қайрат» —1:1; СКА (Ростов—Дон) — «Локомотив»—1:1.

Радио бугун

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Кинофильмлардан қўшиқлар. 9.30 — Г. Мушелнинг фортепьяно асарлари. 10.30 — Халқ талантлари концерти. 11.15 —«Олимлар лабораториясида», 11.25—И. Акбаровнинг «Орзу» балетидан парчалар. 12.15—О. Ёқубов. «Бахт қуши» (рус.ча). 13.30 — Эстрада қўйлари ва қўшиқлари. 16.10 — «Ўзбекистон композиторлари асарларида совет ёшлари образи». 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Пахта учун курашнинг долзарб кунларида» (рус.ча). 18.10 — К. Штамиц. Кларнет ва оркестр учун концерт. 18.40 — Спорт. 19.20 — Осиё ва Африка мамлакатлари кинофильмларидан қўйлар. 20.00 — «Ёшлик» программаси. 20.30 — Ўзбек халқ қўйлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 —Кечки концерт. 22.20 — Вальслар. 22.40 — Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси олдидан. Янги китоблар. 23.15 — Лирика кечаси.

Телевидение бугун

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 19.00 — Тологай—ботир (қўғирчоқ фильм), 19.15 — Телеянгиликлар, 19.30 — Уйғониш (киноальманах) 20.40 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.45 — Телеянгиликлар, 21.00 — «Октябрь» программаси. 21.20 — Бизнинг интервью. 21.40 — Оғайнигарчилик ўз йўлида (бадиий фильм), 22.45— Адабий меросимиз ойнажаҳонда, 23.15 — Музикали саёҳат.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — Кузнинг сокин қадами (телефильм), 19.10 —Шаҳарликлар, сизлар учун, 19.30 — Горький драматургияси (рус тилида).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — СССР—Афғонистон, 20.15 — Концерт.

Рус тилида: 20.55 — Москваликлар қурмоқда, 21.15 — Золушкага туфли (илмий-оммабоп фильм). 21.25 — Майли энди нетақолсин (телефильм).

Томошалар. Эълонлар. Рекламалар.

Кино

Исёнчи (кундуз соат 1, 3, 5, ярим ва кеч 9.45 минутда), Тошкент. зилзила (эрталаб 11, кеч 7 яримда). —САНЪАТ САРОЙИ.

Яна севги ҳақида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (1-зала), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Майор Вихрь—«МОСКВА» (кундуз ва кечқурун)

Воевод Шмидт болалари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Чингачгук-катта илон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Антигона — «ДРУЖБА» (2-зала, жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Сангам — ТЕЛЬМАН номли.

Геракл жасорати — НАВОИЙ номли.

Яна севги ҳақида — «ФЕСТИВАЛЬ»

Воевод Шмидт болалари — «ХИВА».

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/VIII да Кулги кечаси, 15/VIII да Фарҳод ва Ширин.

Урта Осиё темир йўлининг ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ ИУЛ БОШҚАРМАСИГА

савдо бўлими бошлиғининг ўринбосари, озиқ-овқатлар товаршуносларн, катта бухгалтер, бухгалтер-ревизор, автобаза бош бухгалтерининг ўринбосари, техника бухгалтерлари, кассир

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 94 уй, 3-қават, 179 хона.

«СРЕДАЗНИПРОЦВЕТМЕТ» ИНСТИТУТИГА

тоғ инженерлари ва техниклари, тоғ электромеханиклари, инженерлар: геология ва гидрогеология, механиклар, конструкторлар, транспортчилар, автомобиль йўлчилари; инженеолар ва техниклар: металлурглар, подстанция бўйича электриклар, электр жиҳозлари, автоматика, алоқа, қурувчилар, архитекторлар, иситиш ва вентиляция бўйича, сув таъминоти ва канализация бўйича; металлург иқтисодчилар, геодезистлар, топографлар, сметачилар, пармалаш усталари, машинистка.

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси 45 уй, кадрлар бўлими.

«Средазстромоборудование» ТОШКЕНТ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН МОНТАЖ-НАЛАДКА БОШҚАРМАСИГА

инженерлар ва техниклар: технология, электр нучланиш ва саноат жиҳозларини созлаш бўйича, автоматика — контроль-ўлчов асбоблари ҳомашёси, ҳавони кондициялаш ва саноат вентиляцияси системалари: юқорида кўрсатилган асбоблари созлаш бўйича ишчилар, слесарлар: созловчилар, монтажчилар: электр-наладкачилар, тунукачилар, шофёрлар. К.162 автокранига ва автопогрузкага кранчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 9-Январь кўчаси, 18-уй.

Совет Ўзбекистони

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь—В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216, Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги — В37604, Адабиёт ва санъат —В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162. Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № — 188. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 14919.